


ҚОЗОҒИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ЧИМКЕНТ ШАҲРИДАГИ М.АУЭЗОВ НОМЛИ ЖАНУБИЙ-ҚОЗОҒИСТОН УНИВЕРСИТЕТИДА ЎТКАЗИЛГАН СТАЖИРОВКА ЮЗАСИДАН ҲОРИЖИЙ САФАР


ҲИСОБОТИ

Тошкент кимё-технология институти ректорининг 2023 йил 10 ноябридаги № 2/43 сонли буйруғи ҳамда М.Ауэзов номидаги Жанубий-Қозоғистон Университетининг таклиф хатига асосан, “Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси” кафедраси доценти, т.ф.н. Д.Я.Юлдашов, катта ўқитувчи М.Г.Ишмухаммедова ва ассистент Х.А.Музафаровалар илмий, ўқув-услубий йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳорижий тажрибани ўрганиш ҳамда, илмий лабораториялар билан танишиш мақсадида, 2023 йил 14 ноябрдан 14 декабргача М.Ауэзов номидаги Жанубий-Қозоғистон Университетида хизмат сафарида стажировкада бўлишди.


Хизмат сафари давомида М.Ауэзов номидаги Жанубий-Қозоғистон Университетининг тузилиши, ўқув жараёни, моддий техник базаси билан танишилди.



Бакалавр, магистр ва илмий ходимлари ва замонавий таҳлил ускуна ва жихозлари (УФ, ЯМР, Структур спектрлар, масс-спектр, ГПХ, ГЖХ анализлар, экструдер, 3D-принтер, мустаҳкамликни аниқловчи жихоз ва бошқалар) дан фойдаланиб, илмий тадқиқот ишларини амалга ошираётганликлари ўрганилди.




Шу билан бирга ушбу муассасада янги замонавий лаборатория хоналари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири замонавий асбоб ускуналар билан жихозланган.



Университет қошида йирик илмий техник кутубхона ташкил қилинган бўлиб, ушбу кутубхонада барча талаба ва илмий ходим ва профессор-

Ўқитувчилар 9:00 дан 20:00 гача фойдаланиш имкониятига эга ва барча шарт шароитлар яратилган.




Биз сафар давомида М.Ауэзов номидаги Жанубий-Қозоғистон Университетининг Нефт химияси ва ноорганик моддалар ишлаб чиқариш технологияси кафедрасида бакалавр талабаларига маъруза, амалиёт ва лаборатория машғулотларини олиб бордик. “Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси” кафедраси доценти, т.ф.н. Д.Я.Юлдашов “Шина ва резинатехник маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси, турлари ва қўлланилиши” мавзусида маъруза, катта ўқитувчи М.Г.Ишмухамедова “Экструзия усули билан полимер композициялар олиш” мавзусида амалий машғулот ва ассистент Х.А.Музафарова “Резина қоришмалар ва улар асосидаги материалларнинг физик, механик ва технологик хоссалари” мавзусида лаборатория машғулотлари олиб борилди.





Малака ошириш курсида қатнашувчи тингловчилар курс сўнгида, ўзига берилган топшириқни бажариб, ўз корхонасидаги бирор бир муаммони ечимини таклиф қилиш билан яқунлайди. Хизмат сафари натижасида 144 соатли курсни тамомладик ва тегишли сертификатни олдик.



Хизмат сафари натижасида, Тошкент кимё-технология институти билан М.Ауэзов номидаги Жанубий-Қозоғистон Университети келажакда илмий-тадқиқот, илмий-услубий ишларда ҳамкорликни янада кенгайтириш, малака ошириш курслари бўйича модулни онлайн тарзда икки институт олимлари ўртасида муҳокама қилиш ва шу соҳадаги ишларни биргаликда бажаришга келишиб олинди.

ЮМБПТ кафедраси т.ф.н
доцент:
ЮМБПТ кафедраси катта
ўқитувчиси:
ЮМБПТ кафедраси
ассистенти:

Д.Я.Юлдашов
М.Г.Ишмухаммедова
Х.А.Музафарова